

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 05/30.12.2019.Qx.42.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҚАШҚАДАРЁ ФИЛИАЛИ**

**БАХРАМОВА НИЛУФАР НАЗАРОВНА**

**ҒЎЗА-ҒАЛЛА НАВБАТЛАБ ЭКИШ ТИЗИМИДА ЮМШОҚ  
БУҒДОЙНИНГ ДОН ХОСИЛИ ВА СИФАТИНИ ОШИРИШ**

**06.01.08 – Ўсимликшунослик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2021**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по сельскохозяйственным наукам.**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation  
agricultural sciences**

**Бахрамова Нилуфар Назаровна**

Вўза-ғалла навбатлаб экиш тизимида юмшоқ буғдойнинг дон ҳосили ва сифатини ошириш.....3

**Бахрамова Нилуфар Назаровна**

Повышение урожая и улучшения качества зерна мягкой пшеницы в хлопково-зерновом чередовании.....21

**Bakxramova Nilufar Nazarovna**

Increasing the yield and improving the quality of soft wheat grain in cotton-grain alternation.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published papers .....43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 05/30.12.2019.Qx.42.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҚАШҚАДАРЁ ФИЛИАЛИ**

**БАХРАМОВА НИЛУФАР НАЗАРОВНА**

**ҒЎЗА-ҒАЛЛА НАВБАТЛАБ ЭКИШ ТИЗИМИДА ЮМШОҚ  
БУҒДОЙНИНГ ДОН ХОСИЛИ ВА СИФАТИНИ ОШИРИШ**

**06.01.08 – Ўсимликшунослик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Qx289 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Қашқадарё филиалида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг ([www.psuyaiti.uz](http://www.psuyaiti.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Раҳматов Имом Мамадиёрович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Атабоева Халима Назаровна**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Бозоров Холмурод Махмудович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори, катта илмий ходим.

**Етакчи ташкилот:**

**Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти.**

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти хузуридаги DSc.05/30.12.2019 Ох 42.01 рақамли илмий даражалар берувчи илмий кенгашнинг 24 « 12 2021 йил соат 11:30 даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника м.ф.й, УзПТИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: [riim@agro.uz](mailto:riim@agro.uz)

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (21 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника м.ф.й, УзПТИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2021 йил « 10 » 12 да тарқатилди.  
(2021 йил « 1 » 10 даги 12 рақамли реестр баённомаси)

  
Ш.Н. Нурматов Ш.Н. Нурматов  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, к.х.ф.н.,  
профессор  
Ф.М. Хасанов Ф.М. Хасанов  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
к.х.ф.н., профессор  
Ж.Х. Ахмедов Ж.Х. Ахмедов  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қишлоқ  
илмий семинар раиси, б.ф.н.  
профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** «Ҳозирги кунда дунё бўйича 216 млн гектар майдонда буғдой экилиб, 758,3 млн тонна дон ҳосили етиштирилмоқда. Шунингдек, асосий ва такрорий экин сифатида мош 7,3 млн гектар майдонга, маккажўхори 197 млн гектар майдонга экилиб, ўртача мошнинг дон ҳосили 5,3 млн тоннани, маккажўхорининг дон ҳосили 1137 млн тоннани ташкил этади».<sup>1</sup> Бугунги кунда қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги йилдан-йилга ошиб борсада, уларни етиштиришда юқори ҳосилдорликка эришиш учун жадаллаштирилган агротехнологиялар қўлланилиши натижасида тупроқда тўпланган табиий чиринди захирасининг жадал суръатларда парчаланиб, камайишига олиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишда қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олишнинг илмий амалий асосларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунё бўйича тупроқлар унумдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олиш мақсадида навбатлаб экиш тизимларидан фойдаланилмоқда. Шунингдек, экологик соф тупроқ орқали экологик тоза маҳсулот етиштиришни йўлга қўйиш, органик деҳқончиликни юритиш, такрорий ва оралик экинларни етиштириш орқали тупроқни органик моддага бойитиш каби агротехнологияларни қўллашга қаратилган илмий изланишлар олиб бориш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва тупроқ унумдорлигини оширишда ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иклим шароитларида самарали алмашлаб экиш тизимларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947 сон 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонининг 3.3 бандида «қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини муттасил ривожлантириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш»<sup>2</sup> муҳим вазифалардан бири этиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4575 сон 2020 йил 28 январдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори ва ПҚ-5006 сон 2021 йил 24 февралдаги «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

<sup>1</sup> <https://www.fao.org/3/ca9509en/ca9509en.pdf>; <https://avrdc.org/intl-mungbean-network/>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожла-нишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, био технология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикамизнинг турли тупроқ иқлим шароитларида ғўза-ғалла алмашлаб экиш тизимида тупроқ унумдорлигини ошириш ҳамда қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш бўйича З.С.Турсунхўжаев, А.К.Қашқаров, К.М.Мирзажонов, Р.О.Орипов, В.П.Березовский, Н.И.Ирназаров, Ш.Н.Нурматов, Н.Ўразматов, Х.Н.Атабаева, Р.Ш.Тилляев, Я.Бўриевлар, хорижда К.И.Довбан, А.М.Гаврилов, Е.И.Волошин, Г.В.Куликова, Ю.Р.Лим, R.P.Larkin, M.Tejada, H.M. Taylor, A.Z.Feizabady, A.J.Bennett, A.Wozniak каби олимлар томонидан кенг қамровли илмий тадқиқотлар ўтказилган ҳамда самарали илмий натижаларга эришилган.

Кейинги йилларда республиканинг типик бўз, тақирсимон ва ўтлоқи-аллювиал тупроқлари шароитида Б. М. Халиков, Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида Ф.Б.Намозов, А.А.Иминов ва бошқалар томонидан ғўза-ғалла қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимлари илмий асосланган. Бироқ, замонавий деҳқончилик тизимини юритишда Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида ғўза-ғалла навбатлаб экиш тизимида тупроқ унумдорлигини сақлаш ва унда органик модда миқдорини ошириш, асосий экинлар етиштиришда уларни навбатлаб такрорий ва оралик экинлар экиш орқали ҳосилдорлиги ва сифатини яхшилаш бўйича изланишлар етарлича олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Қашқадарё филиалининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида № ВА-ҚХФ-5-014 «Республиканинг жанубий минтақалари ғўза-ғалла навбатлаб экиш тизимида тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишнинг илмий асослари» (2017-2020й) мавзусидаги фундаментал лойиҳа иши доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади:** Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида ғўза-ғалла навбатлаб экиш тизимида кузги буғдойдан кейин такрорий ва оралик экинларни етиштириш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, ғўза ва кузги юмшоқ буғдойдан юқори ҳамда сифатли ҳосил етиштиришнинг илмий амалий асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари** қуйидагилардан иборат:

ғўза-ғалла навбатлаб экиш тизимида кузги буғдойдан кейин такрорий экин мош, маккажўхори ва оралик экин перко, жавдарнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ҳамда уларнинг анғиз ва илдиз қолдиқларини аниқлаш;

ғўза-ғалла навбатлаб экиш тизимида парваришланган такрорий ва оралик экинларининг тупроқни агрофизик ва агрохимёвий хусусиятларига таъсирини аниқлаш;

ғўза-ғалла навбатлаб экиш тизимида такрорий ва оралик экинлардан кейин экилган ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигини аниқлаш;

кузги буғдойдан кейин экилган такрорий ва оралик экинларнинг сўнги таъсирида кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши, қишлаши, барг сатҳи, курук массаси, маҳсулдорлиги, дон ҳосили ва сифатини ўрганиш;

ғўза-ғалла навбатлаб экиш тизимида кузги буғдойдан кейин такрорий ва оралик экинлар экиш, ундан кейин ғўза ва кузги буғдой етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқот объекти** сифатида Қашқадарё вилоятининг суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари, кузги юмшоқ буғдойнинг Ғозғон, ғўзанинг Бухоро-8, мошнинг Дурдона нави ва маккажўхорининг Қорасув-350 АМВ дурагайи ҳамда жавдарнинг Вахшская 116, перконинг ПВХ навлари олинган.

**Тадқиқот предмети:** ғўза-ғалла навбатлаб экиш тизимида асосий, такрорий ва оралик экинларни экиш усуллари, уруғларни униб чиқиши, ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши, маҳсулдорликнинг биометрик кўрсаткичлари, ҳосил шаклланиши, тупроқ таркибида қоладиган органик қолдиқлари (илдиз, поя ва бошқалар), тупроқнинг агрофизик ва агрохимёвий кўрсаткичлари, ҳосилдорлик, дон сифати ва унинг биокимёвий кўрсаткичларига таъсирдан иборат.

**Тадқиқот усуллари:** дала ва лаборатория тажрибалари, биометрик ўлчашлар, фенологик кузатиш ва турли таҳлиллар «Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур», «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари», тупроқнинг агрофизикавий таҳлилларини ўтказишда «Методы агрофизических исследований», тупроқни агрохимёвий таҳлил қилишда «Методы агрохимических анализов почв и растений», тажриба натижаларининг статистик-дисперсион таҳлили Microsoft Excel дастури ёрдамида (Б.А.Доспехов) «Методика полевого опыта» қўлланмаси бўйича амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида ғўза-ғалла навбатлаб экиш тизимида, такрорий ва оралик экин турларини ўрганиш асосида тупроқлар унумдорлигини сақлаш ва ошириш билан кузги юмшоқ буғдойнинг Ғозғон, ғўзанинг Бухоро-8 навидан юқори ва сифатли ҳосил олишни илмий-амалий асослари ишлаб чиқилган;

ғўза-ғалла навбатлаб экиш тизимида кузги буғдойдан сўнг такрорий экинларнинг 2,85-5,78 т/гача, оралик экинларнинг 2,99-4,81 т/гача анғиз ва илдиз қолдиқларини ҳамда оралик экинларнинг 327,8-492,2 центнергача кўк массасини органик ўғит сифатида ерга шудгор қилиниши тупроқнинг агрофизик ва агрохимёвий хусусиятларига ижобий таъсир кўрсатиши илмий жиҳатдан исботланган;

навбатлаб экиш тизимида кузги буғдойдан кейин такрорий экин сифатида мош ва оралик экинларни сидерат сифатида ерга шудгор остига ҳайдаб юборилиши ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосил элементларнинг шаклланишига ижобий таъсир этиб, ғўзадан 40,7-43,4 ц/га пахта ҳосили олинган ҳамда тола сифатининг яхшиланиши аниқланган;

кузги буғдойдан кейин экилган такрорий экин мош, оралик экин перко ва жавдарнинг сўнги таъсирида кузги буғдой ривожланиши тезлашиб, барг сатҳи,

куруқ массаси, маҳсулдорлиги ортиши эвазига кузги буғдойдан 58,1-60,5 центнер дон ҳосили олинган ҳамда дон таркибидаги оқсил миқдори 14,6-15,5%, клейковина миқдори 28,2-29,1% ни ташкил этиб, дон сифати яхшиланиши аниқланди;

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** куйидагилардан иборат:

Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлар шароитида ғўза-ғалла навбатлаб экиш тизимларида кузги буғдойдан кейин такрорий экин мош ва оралик экин перкодан кейин ғўза парвариш қилинганда 41,7-43,4 ц/га, такрорий мош ва перкодан кейин ғўза парвариш қилинганда 40,7-42,5 ц/га пахта ҳосил олишга эришилган.

кузги буғдойдан кейин экилган такрорий мош ва оралик экинларнинг (перко, жавдар) сўнги таъсирида энг юқори дон ҳосили (58,1-60,5ц/га) олишни таъминлаб, кузги буғдойдан кейин такрорий ва оралик экинлар экилмаган вариантга нисбатан 4,4-5,1 ц/га, сурункали буғдой экилган вариантга нисбатан эса 8,3-10,7 ц/га миқдорида юқори дон ҳосили олинган ҳамда дон таркибидаги оқсил миқдори 14,6-15,5%, клейковина миқдори 28,2-29,1% ни ташкил этган ҳолда, юқори сифатли дон етиштирилган.

Ғўза-ғалла навбатлаб экиш тизимида такрорий ва оралик экинларнинг иқтисодий самарадорлигига таъсир этиб, кузги буғдойдан кейин такрорий экин мош етиштириб, оралик экин перкодан кейин ғўза етиштирилганда рентабеллик 29,0-34,2%, ушбу экинлардан сўнг кузги буғдой етиштирилганда 55,0-56,8 % рентабелликка эришилган. Шунингдек, кузги буғдойдан кейин такрорий экинлар етиштирилганда, рентабеллик мошда 77,7-79,6%, маккажўхорида 51,6-54,4% ни ташкил этган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг умум қабул қилинган услубий қўлланмалар асосида ўтказилганлиги ҳамда назарий ва амалий кўрсаткич натижалари бир-бирини тасдиқлаганлиги, олинган маълумотларга математик-статистик ишлов берилганлиги, тадқиқот натижалари республика ва хорижий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, илмий-амалий ишларнинг якуний натижалардаги маълумотларда тасдиқланганлиги, тажриба натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг Республика ва халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий нашрларда мақолалар чоп этилганлиги натижаларнинг ишончлилигини асослайди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ғўза-ғалла навбатлаб экиш тизимида кузги буғдойдан кейин экилган такрорий экинлар (маккажўхори, мош), оралик экинлардан перко, жавдар экинларидан сидерат сифатида фойдаланиш тупроқ унумдорлигига ижобий таъсир этганлиги, улардан кейин ғўза ва кузги юмшоқ буғдой ўсимлигининг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва сифатига таъсири илмий асосланганлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида ғўза-ғалла навбатлаб экиш тизимида кузги

буғдойдан сўнг такрорий экинларининг анғиз ва илдиз қолдиқлари ҳамда оралик экинларини кўк масса ҳосилини сидерат сифатида шудгор остига ҳайдаб юборилиши ғўза ва кузги буғдой экинлардан юқори ҳосил олишни таъминлайдиган агротадбирлар ишлаб чиқилган ва олинган натижаларни амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Навбатлаб экиш тизимида ғўза ва кузги буғдой ҳосилдорлигини ошириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида;

Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлар шароитида олиб борилган тадқиқот натижалари асосида фермер хўжаликларида қўлланма сифатида «Ғўза-ғалла навбатлаб экиш тизимида такрорий ва оралик экинларни киритиш орқали кузги буғдой ва ғўза ҳосилдорлигини ошириш бўйича тавсиянома» тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 29 июнь 2021 й., 02/021-2727-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома Қашқадарё вилоятининг қишлоқ хўжалиги бошқармаси мутахассислари ҳамда фермер хўжаликларида қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

ғўза-ғалла навбатлаб экиш тизимида кузги буғдойдан сўнг такрорий экин сифатида мош етиштириб кейин оралик (перко, жавдар) экинларини ғўза ва кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири агротадбирлари Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлар шароитида жами 320 гектар ҳамда Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Қашқадарё филиалининг Қарши агроучасткасида 20 гектар майдонга жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 29 июнь 2021 й., 02/021-2727-сон маълумотномаси). Натижада навбатлаб экишнинг 1:1 тизимида кузги буғдой, такрорий экин мош, оралик экинлардан (перко, жавдар) кейин ғўза парвариш қилинганда ишлаб чиқариш шароитига нисбатан 1,8-5,0 ц/га қўшимча пахта ҳосили етиштирилиб, гектарида 2240,1-3915,4 минг сўмгача соф даромад олиниб, рентабеллик даражасини ўсишига эришилган;

кузги буғдойдан кейин экилган такрорий экин мош ва оралик экинларнинг сўнги таъсири Қашқадарё вилоятининг Қарши туманида 129 гектар, Нишон туманида 90 гектар ва Касби туманида 101 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 29 июнь 2021 й., 02/021-2727-сон маълумотномаси). Натижада кузги буғдойдан ишлаб чиқариш шароитига нисбатан 6,1-9,6 ц/га.га қўшимча дон ҳосили етиштирилиб, гектарида 1792,2-2848,8 минг сўмгача соф даромад олиниб, рентабеллик даражаси 28,8-45,4 фоизни ташкил этган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Дала ва лаборатория тажрибалари ҳар йили Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Қашқадарё филиали ва Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (ҚХБИММ) ва Бош институт мутахассислари томонидан апробациядан ўтказилган ва ижобий баҳоланган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари халқаро (2) ва республика (2) илмий-амалий анжуманларда 4 марта маъруза қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий мақола ва 1 та тавсиянома нашр этилган, шулардан,

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси эътироф этган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 3 та республика ва 1 та хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қишлоқ хўжалик экинларини навбатлаб экишда экинларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига тупроқ унумдорлигининг таъсири бўйича илмий манбаларнинг шарҳи**» деб номланган биринчи бобида мавзуга оид олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Тадқиқотлар мақсадидан келиб чиқиб, тупроқнинг агрофизикавий, агрохимёвий хоссаларини яхшилаш ҳамда экинлар ҳосилдорлигини ошириш ва сифатини яхшилашдаги аҳамияти тўғрисида маълумотлар келтирилган. Шунингдек, навбатлаб экиш тизимининг кузги буғдой ва ғўзанинг ўсиб-ривожланишига таъсири, кузги буғдой, ғўзадан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришга қаратилган маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижалари келтирилган. Адабиётлар шарҳининг сўнгги саҳифаларида, қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимида алмашлаб экиш тизимига такрорий ва оралик экин турларини киритиш фермер хўжаликлари учун унча катта харажат талаб қилмайдиган агротехник тадбир ҳисобланиб, Республика фермер хўжаликларида жорий қилиш лозимлиги ҳақида хулосалар қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказилган ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитлари ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар ўтказилган жойнинг тупроқ-иқлим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари келтирилган. Бунга кўра, тажрибалар Қашқадарё вилоятининг Қарши туманидаги суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида ўтказилиб, тупроқлар механик таркиби бўйича ўртача соз, кам шўрланган, грунт сувларининг жойлашиш чуқурлиги 2,5 метрдан пастда, кам (2,53 г/л) минераллашган. Ушбу минтақада тупроқлар текисликларда жойлашган бўлиб, таркибидаги гумус миқдори 0,7-0,8% атрофида, юқори карбонатли, ўрта ва енгил соз тупроқлардан иборат. Ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчи калий билан кам таъминланганлиги, шунингдек, об-ҳаво маълумотлари бўйича ҳаво ҳарорати, ёғингарчилик миқдори, ҳавонинг нисбий намлиги ҳақида

маълумотлар келтирилган. Шу билан бирга дала ва лаборатория тажрибалари, биометрик ўлчашлар, фенологик кузатиш ва турли таҳлиллар «Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур», «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари», тупрокнинг агрофизикавий таҳлилларини ўтказишда «Методы агрофизических исследований», тупрокни агрохимёвий таҳлил қилишда «Методы агрохимических анализов почв и растений» услубий қўлланмалари асосида олиб борилган. Тажриба натижаларининг статистик-дисперсион таҳлили Microsoft Excel дастури ёрдамида (Б.А.Доспехов) «Методика полевого опыта» қўлланмаси асосида математик ишлов берилган.

Диссертациянинг «**Вўза-ғалла навбатлаб экиш тизимида такрорий ва оралик экинларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги**» деб номланган учинчи бобида тадқиқотлар ўтказилган барча йилларда такрорий ва оралик экинларнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосил элементлари ва ҳосилдорлиги, оралик экинларнинг биомасса тўпланиши, кузги буғдой, такрорий ва оралик экинлардан сўнг тупроқда қолган ўсимликнинг илдиз ва анғиз қолдиқлари миқдори бўйича маълумотлар келтирилган. Тадқиқотларда такрорий экин сифатида экилган мошнинг кўчат сони гектарига ўртача 121,6-123,4 минг донани, ўсимлик бўйи 56,6-57,5 см.ни, ҳосил шохи 6,1-6,4 донани, дуккаклар сони 21,6-22,3 донани, дуккакдаги дон сони 10,3-11,4 донани, 1000 дон дон оғирлиги 55,8-56,1 г.га тенг бўлди. Мошнинг дон ҳосили 2020 йилда 15,9-16,8 ц/га, 2019 йилда 15,9-16,3 ц/га, 2018 йилда 15,2-15,7 ц/гани ва ўртача 3 йилда 15,8-16,1 ц/ га.ни ташкил этди.

Такрорий экин сифатида маккажўхори парваришланган вариантларда кўчат қалинлиги ўртача гектарига 52,4-53,3 минг тупни ташкил этди. Ўсимликнинг бўйи ўртача 195,2-198,0 см ни, ўртача бир ўсимликдаги сўталар сони 1,08-1,20 донани, ўртача бир сўтадаги дон сони 418,3-422,5 донани, ўртача бир сўтадаги дон оғирлиги 102,4-102,8 граммни, 1000 дон дон оғирлиги 280,2-285,6 граммни ташкил этганлиги аниқланди. Маккажўхори дон ҳосили вариантларда 2018 йилда 29,9-30,6 ц/га, 2019 йил 31,1-32,2 ц/га, 2020 йилда 32,8-34,8 ц/га.ни ташкил этиб, жами 3 йилда ўртача 31,6-32,2 центнергача дон ҳосили ҳосил олишга эришилган.

Такрорий экинлардан кейин парваришланган сидерат экинларнинг кўк масса ҳосилдорлиги таҳлил қилинганда, сидерат сифатида перко кўк массаси ҳосилдорлиги биринчи йили 421,8-452,1 ц/га, иккинчи йили 453,1-494,3 ц/га ни ташкил этди. Учунчи йилида (2020 й) перконинг кўк массаси 1-чи ва 2-чи йилларга нисбатан ортганлиги кузатилиб, кўк масса ҳосилдорлиги 496,5-530,3 центнерни ташкил қилганлиги аниқланди. Тажрибанинг оралик экин сифатида жавдар экинидан фойдаланилган вариантларда эса 1-йил кўк масса ҳосилдорлиги 283,5-305,6 ц/га, 2-йил 315,9-342,4 ц/га, 3- йил 384,1-405,2 ц/га га тенг бўлди. Ўрганилган вариантлар орасида мошдан кейин экилган вариантларда маккажўхоридан кейин экилган вариантларга нисбатан кўк масса ҳосилдорлиги юқорилиги қайд этилиб, перко экинининг кўк масса ҳосилдорлиги 2018 йил 30,3 ц/га, 2019 йил 40,6 ц/га, 2020 йил 33,8 ц/га, жавдарники 22,1; 26,5;21,1 ц/га.га кўп бўлганлиги аниқланди.

Кузги буғдойдан кейин такрорий экин сифатида экилган мош ўртача 2,76-

2,93 т/га миқдорда ва оралик экин сифатида экилган жавдар мошдан кейин экилганда ўртача 5,05 т/га, маккажўхоридан кейин 4,57 т/га миқдорда анғиз ва илдиз қолдиқлари қолдирди. Тупроқда нисбатан кўпроқ миқдорда органик қолдиқлар қолдирган экин бу маккажўхори эканлиги маълум бўлди. Маккажўхори кузги буғдойдан кейин экилганда анғиз ва илдиз қолдиқлари миқдори 5,69-5,87 т/га.ни ташкил этди. Тадқиқот вариантларида экинларнинг қолдирган умумий миқдордаги анғиз ва илдиз қолдиқлари бўйича таҳлиллар шуни кўрсатдики, энг юқори кўрсаткичлар тажрибанинг буғдой+макка+жавдар ва буғдой+макка+перко вариантларида кузатилди. Бунда жами 3 йил давомида ўсимликлар 12,46-13,85 т/га илдиз ва анғиз ёки органик қолдиқларни қолдирди. Нисбатан оз миқдордаги органик қолдиқлар эса буғдой+мош+жавдар ва буғдой+мош+перко экилганда кузатилиб, жами ўсимликлардан 9,47-11,63 т/га қолдиқлар тўпланиши аниқланди.

Диссертациянинг «**Ѓўза-ғалла қисқа навбатлаб экиш тизимида кузги буғдойдан кейин экилган такрорий ва оралик экинларнинг тупроқ унумдорлигига ҳамда ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири**» деб номланган тўртинчи бобида тадқиқотлар ўтказилган барча йилларда такрорий ва оралик экинларнинг тупроқнинг агрофизик ва агрохимёвий хусусиятларига ҳамда ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, ҳосил элементлари ва ҳосилдорлигига таъсири бўйича маълумотлар келтирилган. Такрорий ва оралик экинларнинг тупроқнинг агрофизик хусусиятларига таъсири ўрганилганда кузги буғдой+такрорий экин (мош)+оралик экин (перко): ғўза: кузги буғдой+такрорий экин (мош) ва кузги буғдой+такрорий экин (мош)+оралик экин (жавдар): ғўза: кузги буғдой+такрорий экин (мош)дан кейин тупроқнинг ҳажм массаси 2019 йилнинг кузида тегишли равишда (0-30 см қатламида) 1,34 ва 1,35 г/см<sup>3</sup>.ни ташкил этди. Бу кўрсаткичлар дастлабкидан тегишли равишда (0-30 см) 0,04; 0,03 г/см<sup>3</sup> га кам миқдорда зичлаштирилганлиги аниқланди. Ушбу вариантлар тупроғи 2020 йилда дастлабкига нисбатан 0,05 ва 0,07 г/см<sup>3</sup> га зичлашгани кузатилиб, ушбу кўрсаткичлар 2020 йилда бошқа йилларга нисбатан сезиларли яхшиланишга, бунга 1:1 навбатлаб экиш тизимида такрорий ва оралик экинларни иккинчи йил парвариш қилингандаги таъсири самарали бўлганлиги маълум бўлди.

Тупроқнинг ҳажм массасини бошқа вариантларга нисбатан кам миқдорда ошиши тажрибанинг 6,7-вариантларида кузги буғдой, такрорий экин маккажўхори, оралик экин (перко ва жавдар), ғўза парваришланиб, улардан сўнг кузги буғдой+такрорий экин маккажўхоридан кейин аниқланиб, тупроқнинг ҳажм массаси (2019 йил, куз) дастлабки кўрсаткичга нисбатан тегишли равишда 0,06; 0,08; г/см<sup>3</sup> зичлашганлиги кузатилди ва бу вариантларда 1:1 ғўза-ғалла навбатлаб экиш тизимида такрорий экин сифатида маккажўхори, оралик экинлар перко ва жавдарнинг иккинчи йил экилиши ва тупроқда қолдирган органик қолдиқларининг кўплиги тупроқнинг ҳажм массаси (2020 йил, куз) 0,008; 0,09; г/см<sup>3</sup>.га яхшиланишига сабаб бўлди. Бу эса, ушбу экинлардан кейин парваришланган кузги буғдой ва ғўзани ўсиб ривожланишига ижобий муҳит яратди

Оралик экинларнинг сидерат экин сифатида тупроққа ҳайдаб юборилиши,

такрорий экинларни тупроқда қолдирган анғиз ва илдиз қолдиклари таъсирида тупроқ ғовақлиги яхшиланганлиги кузатилди. Маккажўхорининг тупроқда қолдирган анғиз ва илдиз қолдикларининг таъсири сабабли, унинг ғовақлигига нисбатан ижобий таъсир кўрсатиб, кузги буғдой+маккажўхори+перко: ғўза: буғдой+маккажўхори (6-вар) ва кузги буғдой+маккажўхори+жавдар: ғўза: буғдойдан (7-вар) сўнг маккажўхорини иккинчи йил парваришланиши дастлабки кўрсаткичдан 2019 йилда 3,0; 2,2%, 2020 йилда эса шу фонда яна буғдой, маккажўхоридан кейин оралиқ экинларнинг иккинчи йил экилиши 1,9; 1,5%.га юқори бўлганлиги тадқиқотларда аниқланди. Кузги буғдой, такрорий экин мош ва оралиқ экин перкодан кейин ғўза ҳамда кузги буғдой, такрорий экин мош ва оралиқ экин жавдардан кейин ғўза парваришланган 8,9-вариантларда дастлабки кўрсаткичдан 1,5; 0,7% юқори бўлганлиги маълум бўлди. Ушбу кўрсаткичлар 2020 йил шу фонда кузги буғдойдан сўнг мош экини иккинчи йил парваришланиши дастлабки кўрсаткичдан 1,5; 1,0%.га ортиши аниқланди.




**1-Расм. Ғўза-ғалла навбатлаб экиш тизимининг тупроқ ғовақлигига таъсири**

Ғўза-ғалла алмашлаб экиш тизимида амал қилган ҳолда, йилдан-йилга назорат вариантларда тупроқ агрохимёвий хусусиятларининг пасайиши кузатилди, такрорий ва оралиқ экинлардан фойдаланилган вариантлар ўртасидаги фарқ ортиб борди. Кузги буғдой+такрорий экин мош+сидерат экин перко; ғўза; кузги буғдойдан кейин такрорий экин сифатида мош ва кузги буғдой+такрорий экин мош+сидерат экин жавдар; ғўза; кузги буғдойдан кейин такрорий экин сифатида мош экини иккинчи йил экилиши эса гумус миқдори 0,004-0,008%, умумий азот 0,004-0,009%, ҳаракатчан фосфор миқдори 0,8-1,1 мг/кг ҳамда кузги буғдой,+такрорий экин мош+сидерат экин (перко, жавдар); ғўза; кузги буғдой,+такрорий экин мошдан кейин перко ва жавдар экинининг иккинчи йил экилиши эса гумус миқдори 0,022-0,031%, умумий азот 0,005-0,007%, ҳаракатчан фосфор миқдорини 2,4-3,1 мг/кг.га оширди.

Кузги буғдой+такрорий маккажўхори ва сидерат экинлардан кейин ғўза; кузги буғдой,дан сўнг такрорий экин сифатида маккажўхори экини иккинчи (2019) йил экилганда эса гумус миқдори 0,005-0,006 %, умумий азот 0,005%,

ҳаракатчан фосфор миқдори 1,8-2,4 мг/кг.га ошди. Бу вариантларда иккинчи йил экилган такрорий маккажўхоридан кейин оралиқ экин перко ва жавдар экинларнинг иккинчи (2020 й) йил экилиши гумус миқдорини 0,015-0,029%, умумий азотни 0,003-0,004%, ҳаракатчан фосфор миқдорини эса 3,4-3,9 мг/кг га ошишига сабаб бўлди.

Кузги буғдойдан бўшаган майдонда мошдан кейин перко экинини сидерат сифатида ерга шудгор қилинган вариантда 1 июль куни ғўзанинг бўйи 53,2 см, ҳосил шохлари 9,9 донани, гуллар сони 2,4 донани ташкил этди. 1 август кунида келиб ғўзанинг бўйи 83,7 см, ҳосил шохлари 14,9 донани, тугунчалар сони 3,4 донани ва кўсаклар сони эса 12,0 донани ташкил қилиб, назоратга нисбатан 1 июль ҳолатида ғўзанинг бўйи 11,7 см, ҳосил шохлари 5,5 ва гуллар сони 1,2 донага, 1 август ҳолатида 18,5 см, 1,6; 2,7 ва 2,4 донага кўп бўлганлиги аниқланди. Ушбу кўрсаткичлар кузги буғдойдан кейин мош етиштирилган ва жавдар экинини сидерат сифатида ерга шудгор қилинган 5-вариантда назоратга нисбатан мутаносиб равишда 1 июнда 9,3 см, 5,1; 0,8; 0,8 донага ва 1 августда 16,1 см, 1,4; 2,5 донага кўп бўлганлиги аниқланди. 1 сентябрда олинган натижаларга кўра, кўсаклар сони назоратга нисбатан такрорий экин мош ва оралиқ экин перко жавдардан сидерат сифатида фойдаланилган вариантларда назорат вариантга нисбатан кўсаклар сони 1,8-2,4 донага ва шундан очилгани 1,0-1,4 донага ортиқ бўлди.



2017 йил  $HCP_{05}=1,84$  ц/га; 2018 йил  $HCP_{05}=1,35$  ц/га; 2019 йил  $HCP_{05}=1,21$  ц/га; 2020 йил  $HCP_{05}=1,38$  ц/га

**2-расм. Қисқа навбатлаб экиш тизимларида ғўзанинг вариантлар бўйича ўртача ҳосилдорлиги, ц/га (2017-2020 йй).**

Тадқиқотимиз натижаларида такрорий экин мош ва оралиқ экин сифатида перко экилган барча вариантларда ҳосилдорлик юқори бўлиб, кузги буғдой+мош+перкодан сўнг ғўза бир йил парвариш қилинганда назоратга нисбатан ўртача 4,0 ц/га, буғдой+мош+перко: ғўза: буғдой,+мош+перкодан сўнг ғўза икки йил парвариш қилинганда эса ўртача 5,7 ц/га кўшимча ҳосил олинди. Ғўза:буғдой+мош+жавдардан сўнг ғўза бир йил парвариш қилинганда

ўртача 3,0 ц/га, буғдой+мош+жавдар: ғўза: буғдой+мош+жавдардан сўнг ғўза икки йил парвариш қилинганда эса ўртача 4,8 ц/га қўшимча ҳосил олинди. Шунингдек, такрорий экин мақажўхори ва оралиқ экин перкодан кейин бир йил ғўза парвариш қилинганда пахта ҳосили 40,4 ц/га ни ташкил этиб, назоратга нисбатан 2,7 ц/га, иккинчи йил экилганда эса ҳосилдорлик 41,6 ц/га ва 3,9 ц/га.га юқори бўлди. Такрорий экин мақажўхори ва оралиқ экин жавдардан кейин ғўза ҳосилдорлиги биринчи йилда 39,8 ц/га, иккинчи йилда эса 41,1 ц/га ни ташкил этиб, назоратга нисбатан 2,1 ц/га ва 3,4 ц/га қўшимча пахта ҳосили олинди.

**Диссертациянинг «Ғўза-ғалла навбатлаб экиш тизимида кузги буғдойдан кейин экилган такрорий ва оралиқ экинларнинг сўнги таъсирида юмшоқ буғдойнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва дон сифати»** деб номланган бешинчи бобида кузги буғдойнинг ўсиш ва ривожланиши, маҳсулдорлик кўрсаткичларнинг ўтмишдош экинларга боғлиқлиги, ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичлари батафсил ўрганилди.

Такрорий ва оралиқ экинлардан фойдаланилганда ўсимлик бўйи яхшиланиб, энг юқори кўрсаткич кузги будойдан кейин экилган такрорий мош, оралиқ экин перко ва жавдарнинг сўнги таъсирида гуллаш даврида кузги буғдойнинг бўйи энг юқори бўлиб, 2019 йил 111,6-114,2 см ташкил этган бўлса, кузги буғдойдан кейин такрорий ва оралиқ экинлар экилмаган вариантга нисбатан тегишлича 11,8-15,4 см га баланд бўлганлиги аниқланди. Бу кўрсаткичлар такрорий экин мақажўхори, перко ва жавдарнинг сўнги таъсирида 7,5-9,7 см баланд бўлганлиги кузатилди. Худди шундай қонуният, 2020 йил олиб борган тажрибаларимизда ҳам қайд этилди.


Такрорий ва оралиқ экинлар таъсири тажрибанинг иккинчи (2019) йилида намоён бўлди, кузги буғдойдан кейин экилган такрорий ва оралиқ экинларнинг сўнги таъсирида кузги юмшоқ буғдойнинг бошоқ узунлиги 9,4-10,3 см ни, бошоқдаги донлар сони 50-57 дона, бир бошоқдаги донлар оғирлиги 1,72-1,86 граммгача ўзгариб борди.

1000 дона дон оғирлиги бўйича (2019 й) олинган маълумотларга кўра, 4,5,6,7-вариантларда 41,2; 40,6; 40,6; 40,3 г. ни ташкил қилган бўлса, кузги буғдойдан кейин такрорий оралиқ экинлар экилмаган вариантга нисбатан 2,0; 1,4; 1,4; 1,1 грамм, ҳар йили буғдой экилган вариантга нисбатан 2,9; 2,3; 2,3; 2,0 грамм кўп бўлганлиги аниқланди.

Тажрибада такрорий ва оралиқ экинлар ўрнига кузги буғдой, парваришланганда маҳсулдор поялари сонига сезиларли таъсир кўрсатиб, кузги буғдой ҳосили салмоғини белгиловчи асосий кўрсаткичлар бошоқ узунлиги, битта бошоқдаги донлар сони, бошоқдаги донлар вазни 2020 йилда олинган маълумотлари таҳлил қилинганда, буғдой+мош+перко:ғўзадан кейин кузги буғдой парваришланган 8-вариантда маҳсулдор поялар сони 377,5 м<sup>2</sup>/дона бошоқ узунлиги 10 см, бошоқдаги донлар сони 55,5 дона, бир бошоқдаги донлар вазни 1,80 г, 1000 дона дон оғирлиги 40,8 грамм бўлгани аниқланди. Кузги буғдой, такрорий мош ва жавдар, ғўзадан кейин кузги буғдой парваришланган 9-вариантда ҳам нисбатан юқори бўлганлиги кузатилиб, ушбу вариантда тегишли равишда 374,3 м<sup>2</sup>/дона, 9,6 см; 53 дона; 1,77 г; 40,5 г кузги

буғдой, такрорий маккажўхори ва перко, ғўзадан кейин кузги буғдой парваришланганда 371,0 м<sup>2</sup>/дона, 9,2 см; 51,5 дона; 1,73 г; 40,3 г кузги буғдой, такрорий маккажўхори ва жавдар, ғўзадан кейин кузги буғдой парваришланганда 369,2 м<sup>2</sup>/дона, 8,9 см; 51 дона; 1,70 г; 40,0 граммга тенг бўлди.

